

Илм олиш (таклиф)

21:00 / 24.04.2016 3222

Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари! Мен анчадан бери чет юртларда оила боқиш мақсадида юраман. Лекин илм масаласида ортда қолиб кетяпман, уйда кам муддат бўламан ва буни устига келди-кеттилар билан овора бўлиб вақт ўтиб кетади. Мен ва менга ўхшаганлар жудаям кўп, шу туфайли бир таклиф билдирмоқчи эдим, агар маъқул келса албатта. Ҳозирда интернет орқали ўқитувчи ҳар хил онлайн курслар кўп очилган. Лекин уларни аксарият қисми инглиз ёки бошқа тилларда, шу билан бирга биз уларнинг қайси йўналишда ёки мазҳабдалигидан беҳабармиз. Агар шундай онлайн курслар сиз устоз раҳбарлигида ташкил этилса биз кабилар учун айна қулайлик бўлар эди. Чунки сиздан таълим олишни истаганлар, соф ҳанафий мазҳаби таълимотини ўрганишни хоҳловчилар кам бўлмаса керак иншааллоҳ. Шартлар ва тўловлар бўлса фийсабиллоҳ розиман, ноўрин таклиф билдирган бўлсам узр.

Жавоб: Таклифингиз, жуда ҳам ўринли. Биз ҳам бу борада ўйлаб юрибмиз. Қуръон.уз. номли сайтимизда шунга ўхшаш иш қилинган ҳам. Яна бир бор жиддий ўйлаб кўрамиз. Ҳозир шу жавоб орқали сайт мудири Абу Муслимдан бу ҳақда ўйлаб кўришни ва амалий ишни бошлашни таклиф қиламиз. Шу билан бирга сиздан бошқа азизларимизнинг фикрларини ҳам билмоқчимиз. Мазкур дарслар қандай бўлишини ишашларини билдиришса, яна бошқа маслаҳатларини айтишса яхши бўлар эди.